




ТОШКЕНТ



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ

О'КУШО'М

Дам олиш
сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 126 (9.318) 1999 йил 29 октябрь, жума

Сотувда эркин нархда

5 декабрь
1999



САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН



9 январь
2000

Олий Мажлис ва маҳаллий
Кенгашларга сайловларга

37
КУН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловига

72
КУН ҚОЛДИ

Ислон Каримовнинг китоби ҳинд тилида нашр этилди

Ҳиндистоннинг йирик матбаа компанияларидан бири «UBC Publishers Distributors Ltd» яқинда Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ҳинд тилида нашр этди. Бу нашрга Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Джасвант Сингх сўзбоши ёзди. Сўз бошида бундай дейилади:



«Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобига сўзбоши ёзиш мен учун катта шараф ва имтиёздир. Мен бу китоб Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чуқур тарихий алоқаларнинг рамзи бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Китобда аср охирида Ўзбекистон олдида пайдо бўлаётган хавф-хатар ва қийинчиликлар кўриб чиқилади ҳамда китобхонлар эътиборига бу хавф-хатар ва қийинчиликларни бартараф этишнинг аниқ, танқидий таҳлилга асосланган стратегияси ҳавола этилади.

Президент Каримов бу китобда маҳаллий можаролар, диний ақидапарастлик ва консерватизм каби салбий ҳодисаларнинг хунук оқибатларини таҳлил қилади. Бироқ бу таҳдидлар алоҳида бир мамлакат доирасида чекланмаган, улар ривожланаётган барча мамлакатларни, айниқса қўшни давлатларни ташвишга солмоқда. Муаллифнинг фикрича, хавфсизликка таҳдид ҳамма ерда вужудга келиши мумкин.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари жўғрофий ва тарихий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ. Бу минтақаларнинг миллий манфаатлари сингари, хавфсизлик муаммолари ҳам бир-бирига боғлиқдир.

Китобдаги таҳлил ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва уларни мустаҳкамлаш борасидаги нуқтаи назар хавфсизлигимиз муаммоларини стратегик жиҳатдан таҳлил қилиш билан мунтазам шуғулланаётган сиёсатчи ва социологларимиз учун жуда қимматлидир.

Мен Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга экани ва бу тарих олис мозийга бориб тақалишини ҳамisha таъкидлаб келганман. Лекин бу соҳада кўп иш қилиб бўлмапти. Чунки биз кўпинча Марказий Осиё тарихини Ҳиндистонга ҳам таъсир ўтказиб, тарих йўлини ўзгартириб юборган диний ислохотчилар билан боғлашга мойилмиз.

Мен Бобурни назарда тутаяпман. Бобур ҳам, унга қадар Темур ва Чингизхон ҳам фақат исмларгина эмас, балки тарихимизнинг ажралмас қисми экани ҳақида гапириш ортиқчадир. Шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан алоқаларининг батафсил таҳлили етарли эмас. Иккала мамлакатнинг тарихий алоқаларини очиб бериш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Мен Марказий Осиёга илгари ҳам кўп марта борганман. Бу минтақага яқинда қилган сафарим давомида иккала мамлакат тақдирини ўтмишдаги каби ҳозир ҳам бир-бири билан туташиб кетганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мен тараққиётимизнинг Ўзбекистон билан алоқасини эслаиб ўтдим. Кушон, Мўғул даврларининг тарихий ўхшашлиги, Ипак йўлининг бошланиши, мамлакатларимиз ўртасида товар ва гоёларни айирбош қилиш тўғрисида жуда кўп ёзилган. Аммо биз ўрта асрлар даврида нималар бўлгани тўғрисида етарли ахборотга эга эмасмиз. Бу даврда ўша муносабатларни сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракат бўлганми? Ўзаро раванқ ва тараққиёт арафасида бу муносабатларни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашни бошлайдиган энг яхши вақтдир.

(Давоми 2-бетда).


Суратли ахборот

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашларига бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда.

ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент шаҳрида Олий Мажлисга 25 та, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига 60 та сайлов округлари ва 670 та сайлов участкалари тузилди. Ана шу сайлов округлари ва сайлов участкаларида сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказишга боғлиқ тадбирлар олиб борилмоқда.

— Бизнинг комиссиямиз барча ҳужжатларни қараб чиқди ва биз турли идораларга ўз сўровларимизни йўлладик, — дейди Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг котиби Машхура Шоисаева. — Бу шунинг учун қилинадигани, қонун томонидан кўзда тутилган барча талаблар номзодларга нисбатан риоя қилинган бўлиши керак. Бугунги кунда бизлар барча сайлов участкаларида ҳамма зарур ҳужжатларнинг бўлиши, ускуналар сайлов округининг харитаси, ташвиқот плакатлари бўлишини кўздан кечириб олишимиз даркор. Барча номзодларга сайловолди кураши пайтида тенг имкониятлар яратилмоғи даркор.



Ҳа, сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишда ошкоралик алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шаҳримизнинг барча сайлов округлари ва участкаларида бўлган киши мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеага қизгин тайёргарлик кетаётганининг гувоҳи бўлади. Бу — тушунарли албатта. Чунки бугун

биз мамлакатимизнинг тақдирини ҳал этмоқдамиз.

(Ўз мухбиримиз).
СУРАТДА: Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг котиби Машхура Шоисаева (ўнгда) ва компьютер ишлари бўйича ходим Замира Ёқубова.

Рустам Шарипов олган сурат.

Сайловлар ва номзодлар

КУРАШЛАР ТЕНГ ШАРОИТДА БУЛАДИ

Шу йилнинг 4 ноябрдан, яъни Олий Мажлис депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан сайловолди ташвиқоти бошланади.

Маълумки, турли сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан 1,5 мингдан ортиқ номзод тақдим этилган. Парламентимизда эса 250 ўрин бор, холос. Демак, бир ўринга ўртача олти нафар номзод даъво қилиши мумкин. Албатта, Марказий сайлов комиссиясида тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида рўйхатга олинмаганлар сони бир мунча камайиши мумкин. Лекин бундан қатъи назар, бу галги сайловларда ҳар бир депутатлик ман-

дати учун чинакам кураш бўлиши турган гап.

Бу кураш ҳалол, сайлов ҳақидаги қонунлар ҳамда демократик тамойилларимизга путур етказмайдиган тарзда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун республика Марказий сайлов комиссияси масаланинг бу жиҳатига катта эътибор бериб келяпти. Комиссиянинг дастлабки йиғилишлариданоқ ҳар бир депутатликка номзоднинг сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиш зарурати таъкидланиб, бунинг учун барча чоралар кўрилмоқда. Эсингизда

бўлса, ҳар бир сиёсий партия раҳбарига телевидение орқали чиқишга бир хил вақт берилди. Телевизион мулоқотларда ҳамisha шу партиялар вакилларининг баравар иштироки таъминланиб келинапти.

Марказий сайлов комиссиясида номзодлар рўйхатга олиниши билан юқорида айтганимиздек, уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Бунда ким томонидан кўрсатилишидан қатъи назар, ҳар бир номзод ташвиқоти учун бир хилда тенг шароитлар яратилиши қонун билан белгиланган. Унга амалда риоя этилишини ташкил этишда округ, участка сайлов комиссияларининг роли катта бўлади. Депутатликка номзод-

(Давоми 2-бетда).

Ислон Каримовнинг китоби Ҳинд тилида нашр этилди

(Давоми. Боши 1-бетда).

90-йилларда Марказий Осиё давлатларининг пайдо бўлиши минтақанинг жўрофий-сиёсий манзарасини ўзгартирибгина қолмай, ўзаро янги, истикболли муносабатларни ривожлантириш учун имконият ҳам яратиб берди.

Келинг, минтақадаги энг долзарб вазиятни кўриб чиқайлик. Янги мустақил давлатлар ўзларининг илгариги нуфузи ва табиий ресурсларини сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир улар ўз тақдирини яратиш билан машғул. Улар улкан иқтисодий ислохотларни амалга оширмакда ва коллектив инвестицияларнинг оқиб келишини рағбатлантирмакда.

Бирок, мана шу ўтиш даврида улар ҳам ижтимоий соҳада, жўрофий жойлашишда, ресурсларнинг нотекис тақсимланишида пайдо бўладиган муаммолар мажмуига дуч келмакда. Минтақанинг бу жўрофий-сиёсий ва иқтисодий нозиклиги ташқи кучларни жалб қилмакда ҳамда бу мамлакатлар учун таҳдидга янги шарт-шароит яратмакда. Ана шу ташқи кучларнинг айримлари минтақа халқларига хайрихоҳ бўлиши мумкин, лекин кўпчилиги хайрихоҳ бўлмайди.

Шубҳасиз, «Катта ўйин»дан мақсад — минтақадаги улкан ресурслар устидан назорат ўрнатилди. Куч ишлатиш сиёсати минтақага турлича таъсир қилмакда. Ижтимоий қалтис шароитда диний ақидапарастлар ва террористик кучлар бош кўтармакда. Афғонистон муаммоси ҳам қўшни мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солмакда.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон чегарадош бўлмаса-да, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий устуворликларидан фарқ бўлса-да, икки томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш зарурати мавжуд.

Иқтисодий ҳамкорлик келгусида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосига айланиши лозим. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар Ҳиндистон учун технологик ноу-хау ва инфратузилмалар тараққиёти соҳасида жозибали борзордир. Ҳиндистон бу мамлакатларда юз бераётган саноатни либераллаштириш жараёнида иштирок этиб, минтақадаги асосий вазиятдан ўз нафини кўзлаб фойдаланиши мумкин. Ҳозирги даврнинг муаммолари вақтинчалик эканлигини ва улар бу муаммоларни аста-секин бартараф этаётганлигини биланмиз. Мен уларнинг ҳозирги муаммолари олдида турган порлоқ истикболлини кўряпман. Қўшма корхоналар орқали Ҳиндистон уларнинг ўз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишларига ҳисса қўлиши мумкин ва лозим. Ишлаб чиқариш, хизмат, илм-фан ва технология каби соҳаларда ҳамкорлики ривожлантиришга умид боғлаймиз. Биз Марказий Осиё билан муносабатларимизни мустақамлашмиз шарт.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим соҳаси -- миллий хавфсизлик ва ижтимоий фаровонлик бўлиб, бу соҳада биз душман кучларга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Биз халқаро терроризмга, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан ғайриқонуний савдо қилишга қарши биргалашиб курашмоғимиз зарур. Афғонистонда тинчликни тиклаш бизнинг умумий мақсадимиз бўлиб, унга эришиш -- афғон халқининг кулфатларини камайтирибгина қолмай, балки Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон океанига чиқишига ҳам кўмаклашади.

Бу янги савдо йўли Ҳиндистоннинг Марказий Осиё бозорига чиқишига ёрдам беради. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган ва биз учун қўшма иқтисодий корхоналарда ҳам, терроризмга қарши курашимизда ҳам муносиб иқтисодий шерик бўлиб қолиши мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, китоб алоҳида аҳамиятга эга. Китоб айти Президент Каримов томонидан ёзилгани асарнинг қадр-қийматини янада оширади.

**Джасвант Сингх,
Ташқи ишлар вазири.**
ЎЗА — «Жаҳон»

Маҳалла

Фойдаланишга топширилди

Миробод туманидаги Толариқ маҳалласининг бир қисмида ташландиқ ер бўларди. Бу ерни туман ички ишлар бўлими ўз оталиқларига олиб, у ерда посбонлар пунктини бунёд этишди.

— Маҳалламиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Мирсоат Умаров. — Фойдаланишга топширилган бу маскан барчамизга хизмат кўрсатиб, осойишталикни янада мустақамлайди. Шунингдек, бу бинодан маҳалла хотин-қизлар кенгашига, яраштириш комиссиясига, ёш болалар ва милиция ходимлари учун алоҳида-алоҳида хоналар ажратилди. Посбонларнинг саъй-ҳаракатларини кўриб, қалби қувонча тўлган маҳалламизнинг нуруний отахони Хусан ота Носиров ўз ҳисобидан гилам тақдим этди. Ички ишлар вазирилик эса юртимиз ва жаҳон ахборотлари-

дан доимо хабардор бўлиб туриш учун маҳалламизга телевизор совға қилишди. Айти вақтда янги қурилган масканнинг ён атрофидаги бинолар, чойхонада қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмакда.

Толариқ маҳалласи баланд қаватли уйлардан ташкил топган бўлиб, 4590 нафар аҳоли яшайди. Бу 33 та баланд қаватли уй демакдир. Маҳаллада осойишталик ва доимий тинчликни сақлаш мақсадида ана шу баланд қаватли уйларнинг ертўлалари ва томлари тўлиқ назоратдан ўтказилди. Таъмирталаб жойларда ишлар олиб борилмакда.

Нигора ТУРДИХЎЖАЕВА.

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга

37 КҮН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига

72 КҮН ҚОЛДИ

КУРАШЛАР ТЕНГ ШАРОИТДА БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларга, жумладан, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилишини уюштиришда ана шу комиссияларнинг қатъияти, қонун доирасида фаолият юритиши талаб этилади.

Маълумки, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш энг муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Келишув кенгаши тузилган. Шу кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида сайловларда қатнашаётган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва мустақил номзодлар ташвиқотини тенг шароитларда олиб боришнинг аниқ механизми ишлаб чиқилди. Жумладан, манфаатдор ташкилотларнинг сайловолди дастурларини республика телевидениеси ва радиосида, етакчи республика газеталарида тенг шароитда эълон қилиш қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Масалан, ўша қуръа натижаларига кўра, республика телевидениеси ва радиосида дастлаб «Ватан тараққиёти» партияси, ундан кейин Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, ҳокимият вакиллик органлари вакили, «Адолат» социал-демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Халқ демократик партияси ва «Миллий тикланиш»

партияси навбатма-навбат бир хил вақт чегарасида чиқишлари керак.

«Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» газеталарида эса, биринчи бўлиб Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, сўнг «Миллий тикланиш» партияси, ҳокимият вакиллик органлари вакили, «Адолат» социал-демократик партияси, Халқ демократик партияси, Фидокорлар Миллий демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партиясига тартиб билан бир хил ҳажмда жой ажратилиши маълум бўлди.

Албатта, маҳаллий телевидение ва радио эшиттиришлари, вилоят, шаҳар, туман газеталарида ҳам сайловолди ташвиқотини ташкил этишда ана шундай демократик таъминларга қатъий риоя этилиши табиий. Бунда маҳаллий матбуот, телевидение ва радио журналистик жамоалари округ сайлов комиссиялари билан мустақам алоқада иш олиб боришлари керак бўлади.

Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан бевосита учрашувлари ва тўғридан-тўғри мулоқотларига келсак, участка сайлов комиссиялари туман, шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уларни ташкил этадилар. Бунинг учун махсус жиҳозланган бинолар ажратилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида сайловчилар олдиндан хабардор қилинади. Бундай тадбирларда сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга келгуси фаолият дастурлари билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Фақат бунда ҳам ҳар

бир партия, ҳар бир ноҳия учун бир хил шароит яратишига риоя қилинса бас.

Сайловолди ташвиқотлари олиб боришда шўролар даида бўлганидек, сайловчилга бепул ёки арзон нархларда э-до-сотиклар ташкил этиш, у-қароларда мойиллик туғдиш мақсадида бошқа хил «мазматлар» кўрсатилишига йл қўйилмаслигини ҳам таъкидш жоиз. Сайловлар тўғрисида қонунда бундай хатти-ҳарағлар қатъиян таъқиқланган.

Шундай қилиб, бўлақ сайловларга тайёргарликни муҳим палласи — сайловолди ташвиқотлари босқичи арафанда турибмиз. Унга тайёргарк бўйича жойларда, шу жумлад, пойтахтимиз туманларида амга оширилган ва оширилаётн тадбирлар янги босқич ҳам ғт уюшқоқлик, вазминлик ва м-лакатимиз шаъни учун улн масъулият билан ўтишига ш-ҳа йўқ. Зеро, шу муносабат т-лан Президентимизнинг Олй Мажлисининг сўнгги сессияси айтган қуйидаги гаплар ҳар ё-римизнинг ёдимизда: «... с-сий курашлар тарихиди маълумки, жаҳондаги кўплб партиялар ур-йиқит, жанжал-с-рон орқасида «обрў» топиши бўлса, сизлар эса, барака тс-курлар, бунёдкорлик, яратувч-лик иши билан обрў топинг».

Ишончимиз комилки, юкс-маънавият, шарқона назок-эгаси бўлган халқимизнинг э-муносиб вакиллари сайловол-диновларидан ҳам муносиб т-рзда муваффақиятли ўтадила

Саид ВАЛИЕВ

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига биноан қабул қилди. Киоко Накаяма хоним Президентимизга Япония Бош вазири Кэйдзо Обучининг яқинда Қирғизистоннинг Ўш вилоятида гаровга олинган тўрт нафар Япония фуқаросини озод қилишда яқиндан ёрдам кўрсатгани учун Ўзбекистон раҳбарига йўллаган миннатдорлик мактубини топширди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Иброҳим Мавланов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

◆ Президент Ислон Каримовнинг ғамхўрлиги туфайли юртимизда спортнинг, хусусан, бокснинг ривожланиши учун барча улкан хайрли ишлар амалга оширилмакда. Ана шу ишларнинг натижаси ўлароқ Йўлбошчимиз Халқаро бокс уюшмасининг кубоги билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбари бу юксак мукофотни Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейига топширишга қарор қилди. Олимпия шон-шухрати музейида ушбу кубок ва тегишли сертификати музейга топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компаниясининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган бошқарув мажлисида жорий йилнинг 9 ойлик ишлари сарҳисоб этилди.

◆ «Ўзбекистон» наشريёти ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон Республикаси парламенти: биринчи чақирик Олий Мажлисининг фаолияти» ҳамда «Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши» рисоаларини кўп минг нусхада чоп этди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иқтисодий институтида «Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йилда тараққиёт ва гуллаб-яшнаш йўлидан» деган мавзуда мажлис бўлиб ўтди.

◆ Бугун «Ўзбекистон Фидокорлар миллий де-

мократик партиясининг сайловолди ва сайлов жа раёнидаги ҳаракати» мавзусида хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

◆ **Эртага** пойтахтимиздаги «Юнусобод» спор мажмуида бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг финал мусобақалари бўлади. Етти нафар ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ана шу финал учрашувларида қитъа чемпионлиги учун курашадилар.



ЖАҲОНДА

◆ Германиянинг Гиссен шаҳрида «Рот-Феранштальтунгес» немис жамияти ташаббуси билан, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчионаси кўмагида илгари Ўзбекистонда яшаган собиқ ватандошларнинг биринчи учрашуви бўлди. Бу учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга мурожаатнома қабул қилдилар.

◆ **Кеча** Польша Президенти Александр Квасьневский Каспий нефтини Польша худуди орқали элтиш йўналишлари эҳтимоллари ҳусусидаги музокараларни олиб бориш мақсадидаги ўзининг Бокуга қилган ташрифини ниҳоясига етказиб, Қозоғистонга йўл олди.

◆ Россия Федерациясининг федерал қўшинлари илгари аниқланган объектларга зарбалар бермакдалар. Грознийда Шамиль Басаев уйига қарата зарба берилди.

◆ **Кеча** ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимларини синаб кўриш мақсадидаги икки кунлик машқлар ниҳоясига етди. Унда Россия, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳарбийлари катнашдилар.

◆ Литва Бош вазири Роландос Пакоз истеъфога чиқди. Истеъфонинг бош сабаби Литва нефть мажмуини хусусийлаштириш бўйича юзага келган келишмовчиликлардир.

◆ **Кеча** чех халқи ўзининг миллий байрами — Чехия Республикасининг Мустақиллик кунини нишонлади.

◆ Британия Ҳамдўстлигининг тўрт нафар ташқи ишлар вазири Исломободга келди. Улар Покистонни Британия Ҳамдўстлиги сафларидан чиқариш учун зарур материалларни йиғадилар. Делегация раҳбари, Канада ташқи ишлар вазири Лойд Оксфурти Покистоннинг ҳарбий маъмурларини фуқаролик бошқарувида ўтишининг аниқ режасини тақдим этишга чақирди.

◆ **Бугун** Туркия халқи ўзининг миллий байрами — Туркия Республикаси эълон қилинган кунни нишонламакда.

ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Адолат одамзот турмуш тарзининг мезони бўлиб, доимо унга интилганлар. Шунинг учун ҳам халқ нақлида «Адолат эмас, адолат енгар» ҳикмати зикр қилинган.

Ўз даврининг буюклари адолатни зўр иштиёқ билан куйлаганлар, дилбар жумлалар битган. «Адолат, — деганди донишмандлардан бири, — ҳаёт учун нон сингари зарурдир» деса, «Адолат амалдаги ҳақиқатдир» деб осмонга кўтарган. Антик дунёнинг мутафаккири Цицерон «Адолат барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир» деб муносиб баҳосини берган. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг шиори «Куч — адолатдадир» бўлган.

Қадимги қўлёзмамиз «Авесто»да ҳам адолат маромига етказиб мадҳ қилинган, адолат мезонлари қонунлар билан мустаҳкамланган.

«Тақволи чорвадор, — дейилган илоҳий манбада, — ўз туриш-турмушида одил, оқил ва хурматга сазовор бўлса катта подага эга бўлиши мумкин». Тақвода сир-асрор мўл, чунки ундай одамлар энг аввало иймонли бўладилар. Иймони бутунларнинг кўнгли тоза, дили пок, ҳалол одамлардир. Уларнинг ҳаётида, турмушида адолат, одиллик ҳукмрон бўлади. Адолатлилик аждодларимиз турмуш тарзининг мезони бўлиб, унинг меваси ширин, натижаси омонлик бўлган. «Авесто»да адолат, одиллик шарафланиб Валийлар даражасига кўтарилган. Мана қаранг: «Топингим ва мақтовларим, — дейилган «Авесто»да — эзгу фикрим ва сўзим (савобли) ишларим танамдаги жоним билан бирга Сизларга бўлсин, ўлим билмас Валийлар». «Ўлим билмас Валийлар»нинг қисмати тўғрилиқ, адолат, одиллик бўлган. Шунинг учун улар ардоқланган, ҳамду саноларга ботган. Бунинг устига адолат уларнинг назарида қасамддек қабул қилинган. Адолатлилик қонун билан ҳимояланган, бунга «Авесто» гувоҳ.

Олий Илоҳнинг ўзи адолатли қилиб тасвирланган. Ахура-Мазда бунёд қилган илоҳлар ҳам адолатни шарафлаган, ҳақиқатни улуғлаган, ростгўйликни деганлар. Мана эътибор беринг:

«Маконларни қўриқлагувчи, Ростгўйларнинг ҳимояткори, Жамоалар пушти паноҳи, Ростгўйларнинг ҳимояткори...»

ва ҳоказо, ҳоказолар китоб руҳига сингдирилган. Мана эътибор беринг адолат, тўғрилиқ, ростгўйликнинг бўйбастии қандай тасвирланган?

«Мен — куч билан кучлидирман, Паноҳим билан мустаҳкам. Мен ҳаммадан шарофатли, Мен ҳаммадан саховатли, Мен ҳаммадан нажоткорли Асрагувчи...»

Дарҳақиқат, эътибор берсангиз, син-

маси бўлиб ўттиз марта қамчин билан саваланади». Агар ана шу гуноҳлар қайтарилса ҳар бири учун яна ўн мартадан кўшимча қамчин билан жазоланади. Адолатсизлик давом этиб, азият чекилса гуноҳига яраша жазо билан сийланган:

«Эй, оламни яратган Зот! — Эй, Ҳақиқат!, — дейилган «Авесто»да, — кимда-ким бировни уриб, унга қаттиқ шикаст етказса жазоси нечук?»

Ахура-Мазда жавоб берди:

— «Ҳаммаси бўлиб олтмиш қамчин билан саваланади». Мабодо, адолатсизлик яна қайтарилса, ҳар бири учун қирқ мартадан кўшилиб қамчин билан саваланган. Ҳа, адолатсизлик аждодларимиз томонидан ниҳоятда ёмон баҳоланган. Айни вақтда адолат тарозиси аниқ ишлаган, кичкина адолатсизлик ҳам уларнинг назаридан қочиб кутула олмаган, доимо ўзининг муносиб жазосини олган. Бу ҳақ ақли донишлиқдан нишона. Қаердаки

адолатсизлик юз берса ўша жойда ноҳақлик палак ёзади, зўравонлик «уруғ» кўяди.

Қонунлар мажмуаси ҳисобланмиш «Авесто»да ноҳақлик, адолатсизлик ўзининг муносиб баҳосини олган. Мана, эътибор беринг.

«Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Бировни уриб, унинг қонини отқизган кимса ёзуғининг жазоси нечук?»

Ахура-Мазда жавоб берди:

— «Жами юз қамчин билан саваланади. Адолатсизлик яна такрорланса, ҳар бири учун қамчин билан савалаш қирқ мартадан ортиб бораверади. Адолатсизлик туфайли жабранувчининг суяги синса, бу гуноҳи учун бир юз қирқ марта қамчин билан саваланади. Бировни калтаклаб, уни хушидан кеткизган кимсанинг жазоси бир юз эллиқ қамчин билан саваланган ва ҳоказо, ҳоказолар. Шундай қилиб, адолатсизлик ўзининг муносиб «ҳақини» олган.

Умун «Авесто»даги ибратли ҳикматлар авлодларга беназир хизмат қилаверади.

Мусокул УСМОНОВ,
профессор.

Мозий

«АВЕСТО» АДОЛАТ ҲАҚИДА

чиклаб ўйлаб қарасангиз илоҳий китоб мутлақо ҳақ. Юқоридаги биринчи эҳтибосимизнинг биринчи байтига эътибор беринг. «Адолат — куч билан кучли! Яратган билан мустаҳкам...» Мазкур жумлага ким эътироз билдиради, бу бошидан охиригача ҳикмат-ку, ҳикмат!!

Адолатсизлик айни вақтда «Авесто»да жазоланган. «Авесто»ни такрор-такрор ўқиб шундай хулосага келдикки, аждодларимиз адолатсизликни майда-чуйдаларини ҳам назардан қолдирмаганлар, икир-чикирлари ҳам эсдан чиқмаган.

«Кимда-ким, — дейилган «Авесто»да, — бировни урмоқ қасдида отланса, унинг гуноҳи «оширипта» (курол олмоқ)дир. Бу гуноҳи учун умумий ўн марта қамчин билан саваланади». «Кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи учун умумий йигирма марта қамчин билан саваланади». Қаранг, азиз ўқувчи, «отланиш» билан «бостириб кириш»га бошқа-бошқа жазолар белгиланибди. Бу ҳаммаси эмас, эътибор беринг: «Кимда-ким гараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи учун (умумий) ҳам-

Ўз уйим — жону жаҳоним Фойдали мулоқот

Кейинги пайтларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан аҳоли ўртасида жойларда фойдали учрашувлар, жонли мулоқотлар ўтказилиб турибди.

«Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятининг Индира Ганди номли маданият саройида Миробод туманидаги Охунбобоев маҳалласи аҳли билан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, туман ҳокимлиги раҳбарларининг «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзусидаги учрашуви ҳам жуда мазмунли ўтди.

Бевосита мулоқотда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Равшан Ҳайдаров, Миробод тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи Баҳром Алимов, Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари Азиз Тўраевлар сўзга чиқиб, Охунбобоев маҳалласида жинотчилик ва унинг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар, кўп қаватли уйларнинг профилактика назорлари билан таъминланиши тўғрисида тўхталиб ўтишди. Энг муҳими, ҳозирги кунда шахримиздаги ҳар бир маҳаллада алоҳида хоналар ажратилиб, улар компьютерда ва бошқа зарур техникалар билан жиҳозланмоқда, маҳаллаларга икки нафардан худуд нозирлари ажратилган.

Учрашувда жойлардаги барча муаммоларни ҳал этиш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини амалда жорий этиш учун маҳалла қўмиталари негизда уй-жой эгалари ширкатларини ташкил этиш тавсия қилинди, тартибни сақлаш ишларига барча аҳолини жалб этиш тўғрисида келишиб олинди.

Туман ҳокимлиги ва шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарлари аҳоли баён қилган муаммо ва камчиликлар билан батафсил танишиб, уларни бартараф қилишга ваъда беришди.

Даврон ИСАЕВ.

Ҳан

ЯПОНИЯ КОРПОРАЦИЯСИНING СОВҒАСИ

Оптик толали кабелларни пайвандлаш XX аср техник тараққиёти мўъжизаси янгилик коммуникация тизимида кенг қўлланила бошланди. Ўзига хос мураккаб ва нозик иш ҳисобланган бу хил пайвандлаш жараёнларини йўлга қўйишда Япониянинг фуджикура корпорацияси томонидан яратилган аппаратлар жуда қўл келди.

Мазкур корпорация чиқараётган пайвандлаш ускуналари эндиликда Ўзбекистонда ҳам оммалаша бошлади ва у мураккаб қурилмалар ёрдамида республикамизда оптик толали алоқа линияларини ўтказишда фойдаланилмоқда.

Фуджикура корпорацияси яқинда яна бир ҳиммат кўрсатди. Ўзининг бу каби ноёб қурилма намунаси Тошкент электротехника алоқа институтига армуғон этилди.

Шу муносабат билан япон корпорацияси директори ва бош менежер жаноб Кацуми Кашиваса олий ўқув юртига ташриф буюрди. У бу ерда уюштирилган қурилмани топшириш маросимида сўзга чиқиб, корпорация билан институт ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаси бундан кейин ҳам давом этажиги ҳақида гапирди. Япониянинг иқтисодий ҳамкорлик ОЕСҒ жамғармаси кредити лойиҳаси асосида Ўзбекистонда бунёд этилаётган алоқа иншоотларининг муваффақиятли битказилишига ҳам фуджикура корпорацияси ўз ҳиссасини қўшаётганлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Оптик толали кабелларни пайванд этувчи қурилма олий ўқув юртида талабаларнинг амалий машғулотларида фойдаланилади.

Акбар АЛИЕВ.



Гўзалликка ошно қалблар.

Ҳикматнома

ТАОМ ЕЙИШ БОРАСИДА

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насихат тариқасида куйидагиларни буюрди:

— Кам гапириш, кам ухлаш ва кам ейишни ўзингга одат қилки, бундан саломатлигинг доимо барқарор бўлади. Ақлли кишилар ҳақимлар айтган сўздан чиқмасликлари керак. Бинобарин, ойда икки марта қайт қилиш, ҳафтада уч марта ҳаммомга бориш, бошу танани ширин иссиқ сув билан ювиш, икки кунда уч марта таом ейиш, бунда ҳар ўн олти соатда бир

марта овқатланилади, бу Жолинуснинг кўрсатмасидир.

Баҳор фаслида қуруқ-совуқ мижозли овқат ва шарбат, ёз фаслида хўл-совуқ овқат ва шарбат, кузда хўл-иссиқ овқат ва шарбат тановул қилинади. Қишда эса қуруқ-совуқ овқат ва шарбатга майл қилмоқ лозим. Шундай қилинса кишининг саломатлигида нуқсон бўлмайди. Ўзга

бир ҳикмат шундайки, кимки бир нарсга одат қилган бўлса, бирданига ўша одатни ташламаслиги керак, иложи борича киши ўзини фақат бир хил овқат ейишга ўргатмаслиги лозим, токи ўша ейдиган овқати тасодифан йўқ бўлиб қолса, ожиз қолмасин ва ранжиш бўлмасин.

Меъда саломатлигини сақлаш — иссиқ, совуқ, қуруқ ва хўллик-

да мўътадил бўлган овқатларни истеъмол қилишга боғлиқ. Овқат орасида сув ичмаслик лозим. Иссиқ ва совуқ ҳавода шу ҳавога мос мўътадил овқатларни ихтиёр қилиш керак. Иштаҳа келгандагина овқат ейиш керак. Меъда бузилиб бўкиш ҳосил бўлмаслиги учун овқат еяётган пайтда ҳали ейишга яна озгина иштиёқ қолганда ейишни тўхтатиш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ
тайёрлади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА



ДУШАНБА, 1

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Қалб тароналари».
9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатув.

9.35 «Довюрлар». Телесериал.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.

10.25 «Муҳаббат дарси».

10.45 Ватан тимсоллари.

10.50 Кундузги сеанс: «Арабелла — қароқчи қизи». Бадий фильм.

12.05 «Шохруҳ» клуби.

12.35 «Ўзбек киноси ижодкорлари».

12.55 «Санъат олами».

13.15 «Буюк келажак — ёшлар кўлида».

14.10 «Олтин дала». Ахборот-музика кўрсатув.

14.50 «Сайқал».

15.10 «Ўзбектеlevision асарлари намоиши: «Бибихоним».

15.20 «Олам кўшиққа тўлсин». Музика дастури.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. «Машъал» — «Кизилкум».

16.45 «Рикки-тикки-тави». Бадий фильм.

18.10 «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз».

18.30 «Садоқат».

18.50 «Ўзбекистон — Ватаним меним». Музика дастури.

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Биржа ва банк хабарлари.

20.10 Оқшом эртаклари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истиқлолим — истиқболим».

21.25 «Барҳаёт наволар». Музика дастури.

21.55 «Маънавият» дастури.

22.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 94-қисм.

23.35 «Ахборот».

00.05 Теннис бўйича Самарқандда ўтказилган Челленжер халқаро турнирдан репортаж.

00.45 «Кечиролсанг, кечир мени». Бадий фильм.

2.05-2.10 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этиди («Ким эпчил-у, ким чакқон», «мульти-томоша»).

18.35 «Дунёга йўл».

18.55 «Музика лаҳзалар».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «Давр»-интервью.

19.45 «Олтин мерос».

19.50 «Ёшлар» телеканалда...

19.55 «Музика лаҳзалар».

20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.

20.20 «Мен овоз бераман».

20.25, 20.55, 22.30 Ўзлонлар.

20.30 «Хақиқат чегараси». Телесериал.

21.00 «Остонадаги орзулар».

21.15 «Ёшлар ва сайлов».

21.25 «Бир жуфт кўшиқ».

21.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».

21.55 «Ёшлар» телеканалда...

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.«Миллионлар ўйини», 2.Футбол. Хафтанинг энг яхши учрашуви.

21.00 «Хайрли тун!»

Ўз ТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.

18.00 «Ерилташ». Мульттўп-лам.

18.20 «Сен ҳақингда ва сен учун».

18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

18.45 Телегазета «Экспресс».

18.55 «Калтис ўйинлар». Телесериал. 59-60 сериялар.

19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

20.00 «Бурч ва масъулият».

20.15 «Телефакт».

20.25 21.00 Ўзлонлар.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Сайловолди лавҳалари».

21.20 «Спорт-тайм».

21.45 «Кўзгу». Тележурнал.

22.05 «Янги иқтисод».

22.45 «Морена Клара». Телесериал.

23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.55 «Кинонигоҳ». «Полиция воқеаси-1»

01.20 «Хайрли тун, шахрим!»

Ўз ТВ IV

РЖТ

7.30-9.00

14.00-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.

16.10 «СНН. Жаҳон янгиларлари» (инглиз тилида)

16.40 «Тотли оғу». Телесериал.

17.40 «Мультичархпалак».

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси (Австрия-Германия)

18.50 «Уорлднет» янгиларлари.

19.00 «Хўрозтепалик миршаб». Телесериал.

19.45 Детектив. «Патриархших муолишида».

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.40 «Махфий ҳужжатлар». Телесериал.

23.25 «Дил изҳори».

23.30 «Вести».

24.00 «ТВ-4 да Немис тўлқини».

00.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.

00.30 «Вақт хазинасидан».

00.45 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

15.00 га қадар профилактика.

15.05, 18.00, 20.20, 01.00 — «Телехамкор», «Метеохабар».

15.30 «Эсдалик учун дастхат». Музика дастури.

16.00 «Карапуз-ТВ».

16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!».

16.50 «Морена Клара». Телесериал. (Венесуэла).

17.35 «Эркаларнинг ташвишлари».

18.25 «Ошиқона». Музика дастури.

18.40 «Олтин қафас». Телесериал.

19.25 Спорт шарҳи.

19.50 «Кулупнай». Телесериал.

20.45 «Клип-совга».

21.30 «30-канал»да киноқўшом.

23.15 «Бажарининг имкони йўқ». Саргузашт сериал.

24.00 Музика-дам олиш дастури.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».

9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.00 — Янгилар.

9.15 «Метро» жангари фильми (1997 й.).

11.20 «Золотая Роза» гори. Сехрли сериал.

11.45, 14.00, 15.40 — Мультсеанс.

12.15 «Хайрли кун!».

13.00 «Мўъжизалар майдони».

14.30 «Биргалиқда» дастури.

15.20 «Дунё бўйлаб 80 кун». Саргузашт мультсериал.

15.45 «Бирон бир нарсадир».

16.05 «Юлдузли онлар».

16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».

17.00 «Аччиқ ҳақиқат». Сериал.

18.15 «Жаддаллаштирилган ёрдам».

18.45 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кўнвоқ воқеалар.

19.00 «Биз ва давр».

19.45 «Патриархших муолишида». Москва детективи. 1-серия.

20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

21.00 «Время».

21.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.

23.25 «Нигоҳ».

00.05 Тунги детектив. «Майк Хаммер: жаллод ва унинг қурбони». Сериал.

РАТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!».

8.15, 23.45 — «Навбатчи қисм».

9.20, 10.00, 12.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».

9.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.

10.10 «Лўли аёл». Телесериал.

11.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.

12.00 «Кўзгу».

13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести».

13.20 «Рус лотоси».

14.00, 16.30 — Мультфильмлар.

14.10 «Антонелла». Телесериал.

15.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.

16.00, 01.20 «Дивандаги дўкон».

17.20 «Минора».

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.

19.30 «Ўлим директорияси». Телесериал премьераси.

20.25 «Оқ тўти» клуби.

21.45 Экранда жаҳон бестселлери. «Муҳаббат юлдузи» мелодрамаси (АҚШ).

20.30 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.

24.00 «Спорт+ТВ». Тележурнал.

ТВ-6

9.00, 15.05 — «Кундан-кунга».

10.40, 20.15, 00.45 — «Йўл назорати».

11.00, 13.00, 15.00, 17.00 — «Олти янгилар».

11.10 «Бемаъни лойиҳа».

11.25 «Саволга ўрин йўқ».

12.00 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.

13.05 «Хафта можадолари».

13.35 «Обоз».

14.25 «Спартак» — чемпион!

16.45, 17.05 — «Харидингиз учун ташақкур!» теледўкони.

17.20 «Сирли куч» теледўкони.

17.30 «Оддий Мария». Сериал.

18.15 «Қисқа курс».

18.45 «Сифат белгиси».

19.00 «Избир.com».

19.10 «Давр саёхатчилари». Сериал.

19.40, 01.40 — «Диск-канал».

20.30 «Амба-ТВ». Ҳажвий шоу.

20.55 «Полинезия саргузаштлари». Сериал.

22.00 «Шу куннинг янгиларлари».

22.25 «Учрашув жойи» А. Шарипова билан.

23.45 «Пси-фактор». Сериал.

01.00 «Шу куннинг олти янгилари».

01.15 «Цита ДЕНЬ».

01.25 «Чайка-99».

02.25—03.00 «Ҳиссиётлар изҳори». Сериал.

СЕШАНБА, 2

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Марказий газеталар шарҳи.

8.45 «Зилот». Музика дастури.

9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 94-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.

10.05 Янги алифбони ўрганамиз.

10.30 «Бешбармоқ». Тележурнал.

10.50 Кундузги сеанс. «Кувноқ сеҳрларлик». Бадий фильм.

11.55 Ватан тимсоллари.

12.05 «Гуллар туҳфаси».

12.25 «Кувноқ стартер». Телемусобақа.

13.05 «Маънавият» дастури.

14.10 «Оталар чойхонаси». Музика дастури олиш дастури.

15.10 «Ўзбектеlevision асарлари намоиши: «Гўзаллик оламида».

15.20 Теннис бўйича Самарқандда ўтказилган Челленжер халқаро турнирдан репортаж.

16.00 «Озод юрт одамлари».

16.25 Ватан тимсоллари.

16.30 «Уйланиш». Бадий фильм.

18.10 «Ха, ха, ха...» Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома.

18.35 «Олам ва одам».

18.45 «Куйла, ёшлигим».

19.45 «Бинокор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Зиё».

20.10 Оқшом эртаклари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Марказий сайлов комиссиясида».

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

(Давоми. Боши 4-бетда).

16.00 «Карапуз-ТВ».
18.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Теле-сериял.
17.35 «Эркаларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Кулупнай». Телесериал.
20.45 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноқошом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 Муסיкий-дам олиш кани.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.15 — Янгилар.
9.15, 17.00 — «Аччиқ ҳақиқат». Сериал.
10.15 «Жентльмен-шоу».
10.40 «Сени излайман».
11.20 «Золотая Роза» гори. Сехрли сериал.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Хайрли кун!».
13.00 «Крошанинг таътиллари». Саргузашт сериал. 2-серия.
14.30 «Биргалиқда» дастури.
15.20 «Дунё бўйлаб 80 кун». Саргузашт мультсериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.00 «Чангалзорлар даъвати».
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Маски-шоу».
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.45 «Патриархнинг муюлишда». Москва детективи. 3-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
21.00 «Время».
21.50 «Мудхш тухумлар». Дахшатли комедия.
24.00 А. Гордон. «Иштибоҳлар мажмуаси».
00.30 Хоккей. Россия чемпио-нати. «Лада» (Тольятти) — «Металлург» (Новокузнецк).

РАТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!».
8.15, 23.45 — «Набатчи қис-м».
9.20, 10.00, 12.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
9.30 «Спорт аренаси». Теле-журнал.
10.10 «Лўли аёл». Телесериал.
11.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
12.00 Таътил кунларида. «Бир бор экан, бир йўқ экан, қирол бўлган экан...» Фильм-эртақ (Чехия). 2-серия.
13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести».
13.20 Таътил кунларида. «Пиноккионинг саргузаштлари». Мультфильм. 1-серия.
14.15 «Антонелла». Телесериал.
15.10 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
16.00, 01.20 «Дивандаги дў-кон».
16.30 Мультфильмлар.
17.20 «Минора».
17.55 «Комиссар Рекс». Теле-сериял.
19.30 «Ўлим директорияси». Телесериал.
20.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
21.45 Тим Роббино ва Морган Фримен «Шоушкендан қочиш» криминал драматикаси (АҚШ).
00.15 «Сайлов». Марказий сайлов комиссиясининг кунда-лиги.
00.30 «Халқ билишни хоҳ-лайди». Публицистик ток-шоу.

ТВ-6

9.00, 15.05 — «Кундан-кунга».
10.45, 20.10, 00.45, 02.40 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00 — «Олти янгилар».
11.10, 01.50 — «Кимки...».
11.25 «Бис» ҳажвий кўрсатуви.
11.55, 21.00 — «Полинезия саргузаштлари». Сериал.
13.05 ТВ-6 кинотеатри. Жеймс Блуши «Ҳаётни гаровга қўйиб» триллериди.
14.45, 17.05 — «Харидингиз учун ташақкур!» теледўкони.
17.30 «Оддий Мария». Сериал.
18.20 «Қисқа курс».
18.45 «Сифат белгиси».
19.00 «Избир.com».
19.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
19.40, 02.05 — «Диск-канал».
20.25 «Тергов». Сериал.
22.00 «Шу куннинг янгиларлари».
22.25 «Учрашув жойи» А. Ша-рапова билан.
22.40 «Мен ўзим» ток-шоуси.
23.45 «Аёллар оламида». Се-риал.
01.00 «Шу куннинг олти янгилари».
01.15 «ЦитаДЕНЬ».
01.25 «Кувалда». Ҳажвий се-риал.

02.50—04.20 Бедорлар учун. «Верониканинг иккиюзлама ҳаёти».

ПАЙШАНБА, 4

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».8.30 Марказий газеталар шар-ҳи.
8.45 «Опера санъати саҳи-фаларида».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Теле-сериал. 95-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Япон тили».

Ўқувчиларнинг таътил кунларида:

10.25 «Ўзбектеlevision» асар-лари намойиши: «Баланд тоғ-лар остиди». Видеофильм. 1-қисм.
10.55 «Қўшиғим, жон қўши-ғим».11.25 «Юртим жамоли».
11.40 «Жавоҳирлар хазинаси».
12.05 «Сайловлар ва биз».
12.20 У.Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўз-бек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.10 «Инсон ва замин». Теле-журнал.
14.35 «Ажаб саодат эрур...» Бадий-публицист-тик кўрсатув.
14.55 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
15.15 «Севги сурури». Муסי-кий дастур.
15.45 «Бокира туйғулар».
16.00 «Подшо Петр арапни ўйлантиргани ҳақида ривоят». Бадий фильм.
17.40 «Ифтихор».
18.10 Болалар учун. «До-но бобо даврасида».
18.30 «Харита». Халқаро ша-рҳ.
18.45 «Тилга эътибор».19.00 «Ҳидоят сари»
19.25, 20.25, 21.05 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари».
«Ватан тараққиёти» партияси-нинг сайловолди платформа-си.
21.25 «Дунё гавҳарисан, азим Самарқанд». Муסיкий дастур.
22.15 «Мен нечун севаман Ўз-бекистонни?» Публицистик кўрсатув.
22.50 «Жилванмаган Афри-ка». Телесериал премьераси.
23.40 «Сомон йўли».
00.10 «Ахборот».
00.40 «Сўнги найранг». Ба-дий фильм.
2.05-2.10 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Теле-сериал. 95-қисм.
18.55 «Муסיкий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дасту-ри.
19.30 «Давр»-интервью.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Ёшлар» телеканалда...
19.55 «Тил ва дил».
20.15 «Мен овоз бераман».
20.20, 20.50, 22.30 Ёлонлар.
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Теле-сериал.
20.55 «Одамлар орасида». Биз кимга овоз берамиз.
21.15 «Қалбим ардоғи». Муסי-кий дастур.
21.25 «Мезон».
21.40 «Марказий сайлов ко-миссияси хабарлари».
21.55 «Ёшлар» телеканалда...
22.00 «Давр». Ахборот дасту-ри.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Теле-сериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури. 1. Футбол. Чем-пионлар лигаси. 2. «Спорт китъаси».
1.15 «Хайрли тун!»

Ўз ТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўп-лам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Калтис ўйинлар». Теле-сериал. 65—66 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кут-лаймиз!»
20.00 «Сайлов округидан ре-портаж».
20.15 «Армуғон». Муסיкий кўр-сатув.
20.25, 21.00 Ёлонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ханда дўкони».
21.45 «Тошкент ва тошкент-ликлар»
22.00 «Ёшлар худуди». «Мен сайловчиман».
22.45 «Индаба». Телесериал.
1-серия.
23.05 «Саховат».23.20 «Хаёл». Телефильм.
23.45 Оҳанглар ва ёлонлар.
23.55 «Кинонигоҳ». «Олтин ми-на». 2-серия.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Ўз ТВ IV

РЖТ
7.30-9.0014.00-16.05 Туркия телевиде-ниеси.
16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиларлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Теле-сериал.
18.50 «Уорлднет» янгиларлари.
19.00 «Ит уяси». Телесериал.
19.45 Детектив. «Патриархнинг муюлишида». 4-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!».
21.00 «Время».
21.45 «Қалбим юлдузи». Теле-сериал.
22.30 «Вести».
22.55 Футбол. УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва) — «Лид-с» (Англия)
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чехралар». Муסי-кий-дам олиш дастури.
10.00, 11.30, 18.20, 20.00, 01.00 — «Телехамкор». «Ме-теохабар».
10.30 Муסיкий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвон-лар». Хужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Теле-сериал.
17.35 «Эркаларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Кулупнай». Телесериал.
20.45 «Клип-совга».
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 Муסיкий-дам олиш ка-нали.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.30 — Янгилар.
9.15, 17.00 — «Аччиқ ҳақиқат». Сериал.
10.20 «Маски-шоу».
10.40 «Инсон ва қонун».
11.20 «Золотая Роза» гори. Сехрли сериал.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Хайрли кун!».
13.00 «Крошанинг таътиллари». Саргузашт сериал. 3-се-рия.
14.20, 15.40 — Мультсеанс.
14.30 «Биргалиқда» дастури.
15.20 «Дунё бўйлаб 80 кун». Саргузашт мультсериал.
15.50 «Сезам кўчаси».
16.15 «Таваккал, нима бўлса, бўлди».
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.00 «Жараён».
19.45 «Патриархнинг муюлиш-да». Москва детективи. 4-се-рия (яқунловчи).
20.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
21.00 «Время».
21.45 Аркадий Райкин «Санъатнинг сехрли кучи» ко-медиясида.
22.35 Г. Отс «Бу шундай бўл-ган, бўлганди...»
22.55 Футбол. УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва) — «Лид-с» (Англия). Бевоита кўрса-тув. Танаффус пайтида (23.50) — Мультфильм.
00.55 «Ажойиб кишилар ҳаё-ти». Кира Муратова.

РАТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!».
8.15 «Набатчи қисм».
9.20, 10.00, 12.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
9.30 «Спорт аренаси». Теле-журнал.
10.10 «Лўли аёл». Телесериал.
11.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
12.00 Таътил кунларида. «Ол-тин сочли қиз». Болалар учун бадий фильм (Чехия). 1-се-рия.
13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести».
13.20 Таътил кунларида. «Пиноккионинг саргузаштлари». Мультфильм. 2-серия.
14.10 «Антонелла». Телесериал.
15.10 «Ёввойи фаришта». Теле-сериал.16.00, 02.15 «Дивандаги дў-кон».
16.30 Мультфильмлар.
17.20 «Минора».
17.55 «Комиссар Рекс». Теле-сериал.
19.30 «Ўлим директорияси». Телесериал премьераси.
20.25 «Оқ тўти» клуби.
21.45 Елена Майорова, Лев Дуров, Альгимантас Масюлис «34-тезорар» фильми.
23.20 «Халқ билишни хоҳ-лайди». Публицистик ток-шоу.
23.35 Баскетбол. Евролига (танаффусда — «Набатчи қис-м»)
01.20 «Қизиққон ўнлик».

ТВ-6

9.00, 15.05 — «Кундан-кунга».
10.45, 20.10, 00.45, 02.45 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00 — «Олти янгилар».
11.10, 01.50 — «Кимки...».
11.25 «Сиз — шохидсиз».
12.00, 21.00 — «Полинезия саргузаштлари». Сериал.
12.55 «Сирли кудрат» теледў-кони.
13.05 «Пси-фактор». Сериал.
13.55 «Тоғлик. Ўлмас қарға». Сериал.
14.50, 17.05, 18.35 — «Хари-дингиз учун ташақкур!» теледў-кони.
17.30 «Оддий Мария». Сериал.
18.25 «Қисқа курс».
19.00 «Избир.com».
19.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
19.40, 02.05 — «Диск-канал».
20.25 «Тергов». Сериал.
22.00 «Шу куннинг янгиларлари».
22.25 «Учрашув жойи» А. Ша-рапова билан.
22.40 «Сир-студия».
23.40 «Биринчи тўлқин». Се-риал.
01.00 «Шу куннинг олти янгилари».
01.15 «ЦитаДЕНЬ».
01.25 «Кувалда». Ҳажвий се-риал.
02.55—04.25 Бедорлар учун. «Вурдалаки-IV».

ЖУМА, 5

Ўз ТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шар-ҳи.
8.45 «Чертиб дутор куйлар». Муסיкий дастур.
9.15 «Қамолот сари».
9.35 «Довюрлар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Оналар мактаби».

Ўқувчиларнинг таътил кунларида:

10.55 «Ўзбектеlevision» асар-лари намойиши: «Баланд тоғ-лар остиди». Видеофильм. 2-қисм.
11.25 «Ёзувчилар — болалар-га».
12.05 «Сайловлар минбари».
«Ватан тараққиёти» партияси-нинг сайловолди платформа-си.
12.20 «Ишқнома». Адабий кўр-сатув.
12.45 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Муסיкий дастур.
13.10 «Жилванмаган Афри-ка». Телесериал.
14.10 «Оталар сўзи — ақлни-нг кўзи».
15.20 «Сомон йўли».
15.50 «Ўзбектеlevision» асар-лари намойиши: «Жавоҳирлар дунёси».
16.00 «Теран томирлар».
16.20 «Олимпиадачилар ора-мизда». Спорт дастури.
16.35 «Шарқ тароналари».
16.55 «Кенжатайдан кўрк, эй-ганим». Бадий фильм.
18.10 «Умид учкунлари».
18.30 «Истеъдод». Муסיкий дастур.
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Ислохот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.05 Ё-лонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Рақибингиз — gros-мейстер».
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.30 «Ахборот».
21.10 «Сайловлар минбари». Мустақил номзодларни кўл-лаб-қувватлаш марказининг сайловолди платформаси.
21.25 «Назм ва наво». Мунис лирикаси.
22.00 «Иқтисодий чорраҳала-рида». 2-қисм.
22.20 «Жилванмаган Афри-ка». Телесериал премьераси.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Ўнта негр боласи». Ба-дий фильм. 1—2-сериялар.
2.10-2.15 Ватан тимсоллари.

Ўз ТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой», «Мультмоша»)18.40 «Хуқуқ ва бурч».
18.55 «Муסיкий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дасту-ри.
19.30 «Давр»-интервью.
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Мен овоз бераман».
19.55 «Аср қиёфаси».
20.10 «Аскар мактублари».
20.25, 20.55, 23.50 Ёлонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Теле-сериал.
21.00 «Талабалар шаҳарчаси». Сайлов участкаларида.
21.15 «Наволарда аён этсам». Муסיкий дастур.
21.25 «Истиқлол қайтарган номлар». Марям Султонмуро-дова.
21.40 «Автосалтанат».
21.50 «Ёшлар» телеканалда...
21.55 «Муסיкий лаҳзалар»...
22.00 «Давр». Ахборот дасту-ри.
22.30 «Мен овоз бераман».
22.35 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури. Ринг қирол-лари.
23.35 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема. «Жиноят».
1.30 «Мунаввар тонг истаб!»

Ўз ТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 «Кўнгул тароналари».
9.30 Болалар экранлари.
«Этик кийган мушук». Мульт-фильм.
10.45 «Спорт оламида».
11.00 «Ёқимли оҳанглар».
11.20 «Ёввойи табиат».
12.10 «Йиллар ортидаги йўл-лар».
12.40 «Кинонигоҳ». Италиялик-ларнинг Россиядаги саргузаш-тлари».
14.15-14.30 «Пойтахт». Ахбо-рот кўрсатуви. ***17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Сайловлар минбари».
«Ватан тараққиёти» партияси-нинг сайловолди платформа-си.
18.15 Болалар учун. «Кура-лай».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Калтис ўйинлар». Теле-сериал. 67—68-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кут-лаймиз!»20.00 «Сайловолди ўйлари».
20.15 «Муסיкий дақиқалар».
20.25, 21.00 Ёлонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саломатлик чорраҳа-си».
21.20 «Зардўзлар». Теле-фильм.
21.45 «Яна бир учрашув».
22.15 «Муסיкий меҳмонхона».
22.45 «Индаба». Телесериал. 2-серия.
23.10 «Катталар учун эртақ».
23.20 «Манзарали фильм».
23.45 Оҳанглар ва ёлонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Эмма».
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Ўз ТВ IV

РЖТ
7.30-9.00
13.55 Кўрсатувлар тартиби.
14.00 «Сайловлар минбари».
«Ватан тараққиёти» партияси-нинг сайловолди платформа-си.
14.15-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ
16.05 Клип-антракт.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиларлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 СНН-шоу.
17.55 «Тенгдошлар».
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Бу ажиб дунё».
18.45 «Мультчархпалак».
19.00 «Ит уяси». Телесериал.
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!»
21.00 Время.
21.55 «Қалбим юлдузи». Теле-сериал.
22.45 «Оламда нима гап?» Ах-борот кўрсатуви.
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Дурдаршан».
23.50 Кинематограф: «Малхол-ланд қояси». Бадий фильм..
1.35 «Ахборот» (рус тилида)
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Муסיкий тонг». Муסיкий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 20.20, 01.00 — «Телехамкор». «Метеохабар».
10.30 Муסיкий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висола». Муסיкий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Теле-сериал.
17.35 «Эркаларнинг ташвиш-лари».18.25 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Се-риал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Кулупнай». Телесериал.
20.45 «Клип-совга».
21.30 «30-канал»да киноқош-шом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 Муסיкий-дам олиш ка-нали.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.20 — Янгилар.
9.15, 17.00 — «Аччиқ ҳақи-қат». Сериал.
10.15 «Каламбур». Ҳажвий журнал.
10.40 «Жараён».
11.20 «Золотая Роза» гори. Сехрли сериал.
11.45, 14.15 — Мультсеанс.
14.30 «Биргалиқда» дастури.
15.20 «Дунё бўйлаб 80 кун». Саргузашт мультсериал.
15.40 Мўъжизалар мамлака-ти. «Аждаҳо-3 халқаси». Сар-гузашт фильм.
18.20 «КВН сайбаси».
18.50 «Шу ерда ва ҳозир».
19.00 «Шошилинч чақирув». Кутқарувчилар.
19.30 «Лаззатли воқеалар».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкин-тойлар!
21.00 «Время».
21.55 Буюк изкуварлар.
Лейтенант Коломбо «Объек-тивдаги ўлим» детективида.
23.40 «Эх, Семеновна!» Бу-тунроссия лапарлар супер-кубоги.
00.40 Тунги кинозал. «Синов отишмаси». Романтик жанга-ри фильм (1997 й.).

РАТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!».
8.15, 00.45 — «Набатчи қис-м».
9.20, 10.00, 12.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
9.30 «Балиқ ови ҳақида му-лоқотлар».
10.10 «Лўли аёл». Телесериал.
11.00 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
12.05 Таътил кунларида. «Олтин сочли қиз». Болалар учун бадий фильм (Чехия). 2-серия.
13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести».
13.20 Таътил кунларида. «Ет-ти баҳодир ва ўлик малика ҳақида эртақ». Мультфильм.
13.55 «Изабелла Юрьева». Рус романи қироличасининг 100 йиллиги».
16.00, 01.20 «Дивандаги дў-кон».
16.30 Мультфильмлар.
17.20 «Минора».
17.55 «Иш кўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телеви-зион суд мажлиси.
19.30 Агата Кристи. Пуаро. «Миср сағанаси лаънати» (Буюк Британия).
20.25 «Фонтан-клуб». Ҳажвий дастур.
21.45 Жейсон Скотт Ли Рас-сел Малкхенинг «Мўмиё: Миср шаҳзадаси» триллериди (АҚШ).
23.55 «Панорама» тележур-налининг премьераси.

ТВ-6

9.00, 15.05 — «Кундан-кун-га».
10.45, 20.15, 01.25, 02.50 — «Йўл назорати».
11.00, 13.00, 15.00, 17.00 — «Олти янгилар».
11.10, 02.35 — «Кимки...».
11.25 «Менинг киноим» Вик-тор Мережко билан.
12.00 «Полинезия саргузаш-тлари». Сериал.
13.05 «Аёллар оламида». Се-риал.
13.55 «Биринчи тўлқин». Се-риал.
17.05, 18.30 — «Харидингиз учун ташақкур!» теледўкони.
17.30 «Оддий Мария». Се-риал.
18.20 «Қисқа курс».
18.45 «Сифат белгиси».
19.00 «Избир.com».
19.10 «Давр саёҳатчилари». Сериал.
19.40 «

ЯНГИЛИКЛАР, ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хабарингиз борми?

КОРХОНАНИНГ
ТОТЛИ
МАҲСУЛОТЛАРИ

КЕЧА

Пойтахтнинг Миробод туманида «Янги Замон» қўшма корхонаси қошидаги янги озиқ-овқат комбинатининг биринчи навбати — қандолатчилик маҳсулотлари ва қуруқ мевалар ва савзавотлар ишлаб чиқарадиган иккита ишлаб чиқариш участкаси фойдаланишга топширилди. Ушбу маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Бахтиёр Олимжонов қатнашди.

— Бизнинг Ўзбек — Америка «Янги Замон» қўшма корхонамиз янги эмас, биз ўн йилдан бери ишлаймиз. Лекин шуни таъкидлаш кераки, деярли ҳар йили битта ёки иккита корхонани фойдаланишга топширишга тўғри келади, — дейди қўшма корхона бош директори Л. Б. Юрьева. — Янги корхонанинг устав фонди 1 миллион 140 минг АҚШ долларини ташкил этади. Шерикларнинг ундаги иштироки ҳам тенг бўлиб, элликка эллиқдир. Пряниклар ишлаб чиқариш бўйича линияни очиш гоёси анчадан бери мавжуд эди. Бу гоёанинг амалга ошишида Рос-

сиянинг «Рус таоми» корпорацияси — «Янги Замон» қўшма корхонаси маҳсулотларини экспорт қилувчи шериклар катта ёрдам кўрсатишди. Ана шу корпорация шарофати билан Япония ва Буюк Британияга 20 миллион долларлик қуруқ мевалар ва пряникларни етказиб бериш юзасидан шартнома имзоладик.

Қўшма корхона дастлаб ўз фаолиятини гамбургер ва чизбургерларни тайёрлашдан бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида олинган фойданинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга сарфланди. Ҳозирги пайтда «Янги Замон» қўшма корхонасининг 40 хилдан зиёд нон маҳсулотлари ва 20 хилдан зиёд шарқ қандолатлари ишлаб чиқарадиган иккита корхонаси Самарқандда фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда эса маҳаллий хом ашёдан турли-туман ширин маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ўнта кўп тармоқли корхона ишламоқда. Мана энди ҳисоб бўйича ўн учинчи корхона ҳам ширин маҳсулотларни — ўн хилдан кўпроқ пряниклар, шунингдек 20 хилдан зиёд қуритилган мевалар ва савзавотларни ишлаб чиқаради.

— Бизнинг маҳсулотларимизни Нижний Новгород, Самара сингари Россия пряниклари жуда ҳам довруғ қозонган шаҳарларда жон деб сотиб олишади, — дейди қўшма корхона директорининг ўрин-



босари Ҳамит Ҳалимов. — Лекин бизнинг шерикларимиз ўзбек пряникларининг иссиқ иқлимимиз шароитлари ҳисобга олиниб, мазали қилиб тайёрланаётганлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

Корхонанинг юксалиши ва бир меъёрда ишлашида Тошкент матбаа комбинатининг ҳам ёрдами каттадир. Бу ерда қўшма корхона маҳсулотлари қадоқланадиган чиройли қутичалар тайёрланмоқда. Агар ўтган йили «Янги Замон» қўшма корхонасининг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 400 миллион сўмдан ортиқни ташкил этган бўлса, жорий йилда ана шу рақам ишга туширилган икки участканинг қуввати билан ҳисоблаганда қарийб тўрт баробарга ошади.

«Янги Замон» қўшма корхонаси ҳозирги пайтда асосан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан бир ярим мингини иш билан таъминламоқда. Янги йилнинг биринчи ярим йиллигида янги иккита цехнинг ишга туширилиши ҳисобига яна салкам беш юз ўринли жойлар очилади.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА,
Хондамир СОЛИҲОВ.**

СУРАТЛАРДА: «Янги Замон» қўшма корхонаси фаолиятдан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ТАЖРИБА ЗАВОДИ ЖАМОА КОРХОНАСИ ҚУЙДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- қўл пайванди ва ярим автомат машиналари электр пайвандловчилари;
- Ойлик иш ҳақи ишбай — мукофот усулида тўланади. Ўртача иш ҳақи 35 минг сўм.
- Олий маълумотли муҳандис-конструкторлар; Иш ҳақи 17 минг сўм.
- Металлконструкциялари йиғуви бўйича чилангарлар; Ўртача меҳнат ҳақи 20 минг сўм.
- Пайвандлаш ускуналарини соловчилар; Вақти-вақти билан мукофот тўланади.
- Ўртача иш ҳақи 15 минг сўмни ташкил этади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Жаркўрган кўча, 22а-уй. 15, 23, 26, 106-автобусларнинг «Тошмаргёг» бекати. Телефонлар: 96-57-40, 96-68-50.

ҚУТЛАЙМИЗ!

АЗИЗ ВА МЕҲРИБОН МИРСОБИТХОН ОТА ИСМОЙЛОВ!

Муборак 70 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Илоҳим ҳаммамизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлинг, олтин бошингиз доимо омон бўлсин. Фарзандларингиз ва набираларингизнинг бахтиқболидан узоқ йиллар бахраманд бўлишдек юксак бахт Сизга насиб этсин. Оллоҳ умри-жонингизни ўз паноҳида асрасин, деб: рафиқангиз Ҳалимаҳон, фарзандларингиз Дилоромхон, Дилфузахон, Нодираҳон ва Хуришиджонлар.

Томошалар қуйдаги вақтда бошланади:

- 3 ноябрда — 11.00, 14.00
- 4 ноябрда — 11.00, 14.00, 18.00
- 5,6,7,8,9,10,11 ноябрларда — 11.00, 14.00
- 12 ноябрда — 18.00
- 13 ноябрда — 12.00, 15.00, 18.00
- 14 ноябрда — 12.00, 15.00

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Чипталар цирк кассалари ва туманлардаги кассалар орқали сотилади.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-18-11.

Бодомзорда планли уй сотилади. Қиммат.

Соат 18.00 дан бошлаб 35-59-64 рақамли телефонга қўнғироқ қилиш мумкин.

«Тошметроқурилиш» трести жамоаси трест бошқарувчиси Шокир Тўраевич Солихўжаевга ўғли **УЛУҒБЕК**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Сувсоз» трести жамоаси, касаба уюшма кўмитаси Тошкент метроқурилиш трестининг бошқарувчиси Шокир Тўраевич Солихўжаевга ўғли **УЛУҒБЕК**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Сувсоз» трести жамоаси, касаба уюшма кўмитаси «Сувсоз» трести бошқарувчиси Шокир Тўраевич Солихўжаевга жияни **УЛУҒБЕК**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКДАВЦИРК» РЕСПУБЛИКА
БИРЛАШМАСИ

**Тошкенбой Эгамбердиев
номли**

**Тошкент Давлат цирки
3 ноябрдан 10 ноябргача**

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида цирк ўргатилган ҳайвонлар иштирокида икки бўлимдан иборат ранг-баранг дастур

(Давоми. Боши газетанинг 117, 120, 123-сонларида.)

Алқисса ушбу тариқа бир-икки келиб яна кетди, учинчи келганида шоҳ дедиким бир яхши ҳовли тайин айлай, агар уйланмоқга майли бўлса, бир улуғ ердин уйлантирурман деб, шаҳзодага қараб айдиким, эй нури дийдам бир жойни хоҳлагилким санга хушхона қилурга лойиқ бўлғай деди. Шаҳзода дуолар айтиб дедиким эй шоҳ вало мақом, шаҳарни ўртасинда бир ҳовлини кўрарманким дарвозасига қир тўкилибдур, кулф солиғлиқдур. Ул ҳовлини гуноҳидин ўтсалар, бандога меҳрибонлиг айласалар дегач, шоҳ охи бадард жигаргоҳдин чиқорди ва дедиким эй нуридийдам, агар сендин ўзга ҳар ким бу сўзни оғзидин чиқарса, тилини комидин суғуриб олур эдим. Холо сандин бўлак меҳрибоним йўқдур деб, ул ҳовлини гуноҳидан ўтиб, юз адад одамларни буюрдиким бориб эшикларни очиб, суғуриб, тоза айлаб уйларга палослар ва асбоблар, ҳаммасини муҳайё айлағайлар деб. Ушал куни хожа Барзах ҳовлиларни яна оройиш бердилар. Ул кеча ўтиб малика жавоб олиб ўз уйига яна доҳил бўлиб, худойи таоллога ҳамду санолар айтиб, фақир-мискинларга ҳайротларни кўп айлади.

Бир куни Мунаввар шоҳ тавозъе ва одоб билан арз мақомида бир оёғида турди. Шоҳ кўрдиким Мунаввар шоҳнинг бир арзи бўлғай, эй нури дийдам нима муддаонг бордурким бу янглиғ турбурдурсан, баён қилғил деди. Мунаввар шоҳ дедиким эй ота, хоҳларманким пири равшан замирингизни бир зиёфат айласам, дуоларини олғайман деди. Шоҳ хуш вақт бўлиб жавоб берди, малика сарафроз бўлиб, уйига бориб ул миқдор оройиш бердиким бурунгида неча ҳисса зиёда бўлди. Азбаройи таклиф этмоқ учун бир хожасарони буюрди, ул бориб шайхни огоҳ айлади. Шайх рухсат бердиким эрта борурмиз деб. Малика ҳам тўрт юз одамга лойиқ зиёфат асбобларини тайёрлади. Ул кеча ўтиб рўз равшан бўлди, кун чошгоҳ эрди, осори аломат пайдо бўлди. Қарасалар шайх одати қадима билан ғишти тилло ва ғишти кумуш устидин босиб юриб келадур. Дарҳол назимлар шайхни тўрт юз меҳмонларни меҳмонхонага ўтказдилар. Улар кўрдиларким бурунги асбоблардин неча ҳисса зиёдадур. Ўзларини ўғрилиқ тиллари билан айтишур эрдиларким «бу асбобларни ҳам яна олғаймиз» — деб. Алқисса бир кеча-кундуз ўтди, зикр-суҳбатлари тамомига етди, зиёфат айламак ҳам анжомига етиб, ҳадялар ва пешкашлар ҳаддин зиёда айлаб узатдилар, уч-тўрт кун ародин ўтди...

Малика ярим кечада пинҳоний киши юбориб шаҳар кўрбошини олдириб келди ва ўзи мардона либос билан чиқиб дедиким эй кечаларни сардори, ҳеч билурмусизким ул ўғриларким вилоятни ҳароб айлаб юрибдурлар, сабаби нимадур деди. Кўрбоши йиғлаб, дедиким, эй шаҳзода неча йиллар бўлдики бу таррорлар дастидин жоним азобда. Малика ғам емагил, иншооллоҳ ушбу ғаддорлар қўлга тушгусидур деб тасалли берди. Боз айдиким неча адад миршабларинг бордур? Кўрбоши айди икки юздур, Малика айди яна икки юз даловур йигитларни топиб ҳаммасини олоти ҳарбия билан ораста айлагил, то ҳар бирида бир киши банд бўлгундек арқонлари ҳам бўлсин. Кечалаб пинҳона келиб мана шул ҳовлига кириб ўлтиринлар, ўғриллар ҳам тўрт юздурлар, ҳамма моллар ва асбоб ашёларни то кўтариб олмагунча овоз чиқарманлар. Ҳаммаларини қўлларни банд бўлгондин сўнгра бирдан овоз бериб, ҳамла айлаб, ҳар ким бирини боғлаб олғайлар. Олгон молларини орқаларидан ечманлар, то ман бориб шоҳга арз айлаб огоҳ айлай, шоҳ амри билан шоҳ хузурига олиб боргайсан деб, яна ўзга таълимларни бериб, инъомлар билан жўнатди. Кўрбоши маликани деганидек кор-борларни

тайёр айлаб, вақтга мунтазир турди. Маликанинг жосуслари хабар келтирдиларким, шул кеча ўғриллар шабихун урғайлар деб. Малика кўрбошига пинҳоний хабар юборди. Кўрбоши одамлари малика тайинлаганидек, кечанинг биринчи ярмигача пинҳона ҳовли ичига жойлашиб олдилар. Малика ҳам барча надимлари билан бедор ўлтурдилар. Тун ярим кечадин ўтиб эрди овози каманд зоҳир бўлди, ўғрилардин бири каманд билан девордин ошиб ичкарига тушиб, дарвозаларни очиб қўйди. Ҳаммалари кириб, орқаларига миқдори борича моллар кўтариб, қўлларни молга банд бўлди. Кўрбоши ул тўрт юз йигитлар якбора ҳамла айладилар. Ҳар бир одам бир ўғрини босиб боғладилар. Таррорларни орқаларида юклари билан хўб эҳтиёт қилиб турдилар. Тонг отди, Мунаввар шоҳ отланиб шоҳ даргоҳига бориб, ўз жойида қарор олди, аркони давлат ҳаммалари хоҳир бўлдилар.

Мунаввар шоҳ ўрнидан туриб дуо айлади, шоҳ дедиким эй нури дийдам, боз нима арзинг бордур, зуҳурга келтургил деди. Мунаввар шоҳ дедиким, бул кеча ўғриллар бизни уйни тамом олмишлар, шоҳ давлатлари мустадом бўлғай, ҳаммасини тутиб, банд айладилар, ҳоло кўрбоши қўлиндадурлар, ўғриллар тўрт юз эканлар. Агар амри олийлари бўлса ҳозир айлағайлар дегач, ҳозирлар ҳаммалари ҳайрон бўлдилар. Шоҳ амри билан кўрбоши ўғриларни етқурди. Кўрдиларким, тўрт юз ўғрилари орқаларида юклари билан ҳар бирини бир киши етаклаб келадур. Катта-кичик билдиларким ўғриларнинг улуғи шайх замондур, шоҳнинг пиридур, ул тўрт юзи ғишт бардорлардур. Гардон шоҳ хижолат терига ботиб, гардинини ҳам айлаб қолди. Кўнглида дедиким «во дариго, ул бегуноҳ жигаргўшам Хусния бонуну бул каззобни пирым деб биёбонларга ташладим», — деб жигарлари кабоб, дийдалари нуроб бўлиб, ўз назаргоҳида буларга лойиқ сиёсат дорини тайёр айлаб, ҳаммасини жазосини бердилар. Шайхни уйига киши юбориб жамъи молларини олдириб келиб, ҳозирини эгаларига топширдилар. Бу ишлардин фориг бўлгач, Мунаввар шоҳ бул кеча катта онаси (бувиси)га меҳмон бўлурман деб шоҳдан ижозат олди ва катта онасининг олдига кириб салом айлади, гўёки ул заифа маликайи Даврон кизи ё Хусния бону набираси дубора тирилиб келгандек бўлди. Шу маҳалда маликанинг кўнгли бузилиб, оҳлар тортиб, мардона либосини ечиб, бошидин заррин тожни олиб ташлади. Онасининг оёғига ўзини ташлаб, юз-кўзини суртар эрди. Онаси ҳам юз-кўзидин бўсалар айлаб дедиким, эй парилар сарвари сен ким бўлурсен дегач, малика дедиким ўшал биёбонларга ташлагон малика Давроннинг ёдномаси Хусния бонудурман деди. Онаси бир соат хушидан кетди, боз хушига келиб кучоғига олди. Шоҳ ҳам келур эрди, субҳон оллоҳ деб малика олдига кирди, кўрдиким маликайи Даврон, гўёки маликайи Даврон тирилиб келмишдир. Малика шоҳнинг оёғига ўзини ташлаб эрди, шоҳ ҳам маликани оғушига олиб йиғлар эрди. Алқисса, шоҳ маликага қилган феълидин кўп пушаймон бўлиб узр сўради. Орадан уч кун ўтгач малика шоҳдан ижозат сўраб Хуснободга равона бўлди. Хуснободга етгач, шоҳни ва онасини олиб келиш учун одам юборди. Шоҳ ўрда заифаларини Хуснободга жўнатиб, орқасидан ўзи ҳам равона бўлди. Малика Хуснободга отин боғлаб то қирқ кун тўй бериб ота-онасини ризолигини олди. Бошлаб ул етти хазойинага олиб кирди, шоҳ кўрдиким ҳар қанча сарф айлаган билан тугамасдир. Шоҳ Хуснобод шаҳрини ва яна бир неча навоҳийларни маликага инъом қилиб, хатга муҳрини босди. Орадан бир неча вақтлар ўтди.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Тадбирлар

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Шу йилнинг август-сентябрь ойларида янги турдаги «Palmolive Naturals» дезодорантлари истеъмолчилари ўртасида лотерея ўйинлари ўтказилган, унда катта қизиқиш билан республикамизнинг кўпчилиги аҳолиси иштирок этганди. Лотерея ғолиблари компьютер томонидан аниқланди, унинг натижаларини эса мустақил комиссия аъзолари тасдиқлашди.

Куни кеча «Colgate-Palmolive» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси биносида лотерея ғолибларига ютуқларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ютуқли рақамларга эга бўлган чипталарни кўрсатган ҳамшаҳарларимиз — дастлабки ғолиблардан бўлмиш уй бекаси Анна Кисил ва хусусий қурилиш фирмаси ходими Дилшод Алимӯхамедовларга «Samsung» телевизорлари; республика Молия вазирлиги ходими Асал Қориевага «Daewoo» мусиқали маркази топширилди. «Daewoo» мусиқали марказлари, «Samsung» телевизорлари, «Sony» видеокамераси ва бош ютуқ — «Tico» автомобиллари эса ғолибларга бир ой давомида топширилади.

— Бироқ шу билан бизнинг қутилмаган совғаларимиз охирига қолмаяпти, — дейди «Colgate Palmolive» компанияси Тошкентдаги ваколатхонасининг маркетинг бўйича менежери Петр Болотов. — Ҳозир Colgate Total тиш пастаси истеъмолчилари учун ютуқли лотерея ташкил этилмоқда. Унинг бош ютуғи — янги йил байрами кунларида АҚШга икки кишилик сафар йўлланмаси бўлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

СУРАТДА: Д. Алимӯхамедов лотерея ютуғига чиққан телевизори билан.

Валерий Харитонов олган сурат.

Назм

ВАТАН МАДҲИ

Ватан ишқи ҳар инсоннинг қалбдаги сози,
Уни куйлар дил хуш билан, дил шунда рози!
Сенда ўсдим ва улғайдим, эй, онажоним,
Шон-шухратинг улуғлайман, садқа деб жоним!
Мадҳиянгни куйлайман шод, бурродир тилим,
Керак бўлса мен тайёрман, «Кўкча» манзилим!
Ўзим сенинг иқболинга, шайман ҳар бир дам.
Ватан меҳри қалбимда жо, гар солса бир ғам.
Қурол ушлаб жанг қилганман, оғир кунларда,
Марду майдон, чекинмадик, совуқ тунларда!
Мустақиллик нашидасин, сураман мен шод,
Тинчлик тилаб, кўкни қучгин, гулла, бўл обод!
Шодлигимнинг ҳеч чеки йўқ, бахтим кулганда,
Нега жоним фидо қилмай, озод бўлганда!
Гуллаб-яшна, боқиб сенга, дил олар ором,
Сени куйлар Темур шодон, қалбида илҳом!

Темур КАРИМОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Болаликнинг қувончлари бир олам.

ГЎЗАЛЛИК ТУМСОЛАРА

Юртимиздаги энг соҳибжамол ва мафтункор қизни аниқлаш мақсадида ташкил этилаётган «Мисс Ўзбекистон — 99» биринчи республика гўзаллик танлови қизгин паллага кирди — 25 нафар қизлар вилоятлар ва Тошкент шаҳрида саралаш босқичидан ўтишди. Энди улар якуновчи беллашуларда қатнашишади.

Танлов ташкилий қўмитаси аъзоси, «ASIAN STYLE» модел агентлигининг директори Зулфия Хабибуллинанинг таъкидлашича, танловнинг кўп босқичли эканлиги мақсадга мувофиқдир. Зеро, номзодларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки уларнинг ёшлар ўртасида обрў-этиборга эга бўлиши, тилларни, ўзлари истиқомат қиладиган ҳудуддаги аънава ва урф-одатларини билишлари, уларнинг ички дунёларини тушунишда бу жуда кўл келади.

Республикамизнинг 14 шаҳридан келган турли касб эгалари бўлмиш гўзаллар зеркишмайди

— улар Тошкентда бир ҳафта ичида 21-Мехрибонлик уйида бўлиб, тарбияланувчиларга танлов ҳомийлари томонидан ажратилган совғаларни топширишади, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маънавият ва маърифат» кенгаши вакиллари билан учрашадилар, пойтахт музейларида бўлиб, телевидениеда суратга тушадилар.

— Мен болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишляпман, — дейди танлов якуновчи босқичининг қатнашчиси Наргиза Гаффорова. — Танлов тўғрисида тўсатдан эшитиб қолиб, ўз кучимни сынаб кўришга қарор қилдим. Энг муҳими, танлов голиби бир йил да-

вомида хайрия тadbирларида қатнашиб, тинчлик, саховат ва гўзаллик элчиси бўларкан.

Гўзаллик миллий танлови шунга ўхшаш тadbирлардан тўздан фарқ қилади. Ва ҳомийлар кўмагида у рисоладагидай ташкил этилмоқда.

— Танловнинг бош гоюсига кўра мақсад иштирокчиларнинг голиблик учун шахсий беллашувини ташкил этиш эмас, балки келгусида хайрия тadbирларининг кенг мажмуасини ўтказиш кўзда тутилади, — дейди бош ҳомий — «Тамға» савдо марказининг вакили Елена Тер-Осипянц, — шу сабабдан биз уни ўтказишда ҳар томонлама кўмаклашяпмиз.

«Мир» Фаст Фуд, «NOLA» мева шарбатлари, «Sheraton Tashkent» меҳмонхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам танловга ҳомийлик қилишмоқда.

Танловнинг ҳал қилувчи финал босқичи 31 октябрь куни А. Навоий номи Ўзбекистон Давлат академи Катта театрида бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Танловлар

ХАНДАЛАР

Эр ишдан қайтиб келса, хотини йиғлаб ўтирган эмиш. Эр хотинидан сабабини сўраган экан, хотини:

— Ўз қўлим билан сенга пирог пиширган эдим, ошхонадан чиқиб қарасам, итимиз ҳаммасини пок-покиза тушириб қўйибди, — деб зорланибди.

— Кўй, йиғлама, жонгинам. Агар итга бирор нарса бўлгудек бўлса, сенга унданам яхшироқ ит сотиб олиб бераман.

— Хой бола, нега ёмғирда турибсан, ивиб кетибсан-ку!

— Мени чўмилтирмоқчи бўлишганди, уйдан қочиб чиқдим!

Ўқитувчи сўрабди: — Қани, Ҳасан, «қочмоқ» сўзини шахс бирлигида турлагин.

— Мен қочаман, сен қочасан, у қочади, биз қочамиз, сиз қочасиз...

— Улар-чи?
— Улар ҳужумга ўтадилар, устоз!

Мулла Зайниддин кўчада кета туриб, қоқилиб йиқилибди. Энди ўрнидан турган ҳам эканки, сирпаниб яна йиқилибди.

— Э, худо, — нолибди Зайниддин, — агар иккинчи марта яна йиқилишимни билганимда биринчисида ўрнимдан турмаган бўлардим.

Бир киши дўстидан қарз сўрабди.

— Пулим бору сизга беролмайман, — дебди дўсти.

— Нима, менга ишонмайсизми? — ҳайрон бўлибди қарз сўровчи.

— Нималар деяписиз, сизга-ку ишонаман-а, аммо пулларимни қайтариб олишимга ишонмайман-да!

Тўпловчи
Маълум НАБИЕВА.

Зеболик

ЮЗИНГИЗГА АЖИН
ТУШМАСИН

Кўпчилик аёлларимиз юзига ажин тушгандан сўнггина уни йўқотишга ҳаракат қиладилар. Аммо уни йўқотишдан кўра ажин тушишининг олдини олган маъқулроқдир. Бунинг учун ҳар куни эрталаб ва кечкурун 5 дақиқа давомига энгил массаж қилиб, юз ва бўйин терисига бармоқлар учи билан озиклантирувчи крем сурилади. Ёмғир ёғаётганда ёки намли иссиқ шамол эсаётганда кўпроқ сайр этиш ҳам фойдалидир. Бундай пайтларда юзингиз пардозсиз бўлиши керак. Иложи борича упа ва лаб бўёқни камроқ суриб, ҳар куни юз мускули учун гимнастика машқларини бажарсангиз ҳам нур устига аъло нур бўлади. Оқсилли ва парафинли ниқоблардан ойига бир марта фойдалансангиз бўлади, қолган ниқобларни эса юз терисига қараб ҳафтасига бир марта сурган яхши самара беради.

АТИРНИНГ ХУШ БЎЙИ

Ёзнинг иссиқ кунларида кўкат ва гуллар ифорини таратадиган атирлардан фойдаланиш керак, чунки бу пайтда бадандаги табиий ҳидлар кучаяди. Ана шундай ҳидлар қамайган кишининг қуруқ ва совуқ ҳавосида эса ҳиди ўткир атирлардан фойдаланса бўлади.

Атирни қоронғи жойда сақлаш керак. Кучли ёруғлик ва офтоб нури тушиб турадиган жойда атир айниб, ёқимсиз ҳид таратади.

Сочингизни ювиб қуритгач, хуш ифорли атир сепинг. Чунки атирлар ифори сочда узок вақт сақланади.

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Шарқ дурдоналари

ЎЗ-ЎЗ ЎЎТАВИШ
ДОМО БЎЛАДИ...

◆ Дўстсиз киши — қўлсиз киши. Бу ҳикматга амал қилган одам ҳамиша дўст орттириш ва содиқ дўстларни қўла киритиш пайида бўлади. Эй ўғил, дўстларинг ва тенгдос биродарларинг билан одоб юзасидан муомала қилки, дўстлик ипининг узилиши бахтсизликка йўлиқиш билан тенгдир.

Дўстларинг ва тенгдошларинг сенга ширин муомала қилсалар, ҳар лаҳзада амалда меҳру муҳаббатларини изҳор қилиб турсалар бу сенга ёқадими? Сен ҳам уларга нисбатан доимо муҳаббатли бўл, ўзингга раво кўрмаган ва ёқтирмаган нарсаларни уларга ҳам раво кўрма!

Дўстлар аввало бошга иш тушганда синовдан ўтади. Демак дўст бирор нарсага муҳтож бўлса, кўмакка шоши, ҳолидан хабар олиб кўнглига далда бер. Икки орада муҳаббат ана шундай пайтда ошади. Бироқ дўстларинг бирор нолойиқ ишга қўл урсалар, улардан айрилиб қолмай деб, ёмон ишда шериклик қилма. Уларни қаттиқ тириб бу йўлдан қайтар, насиҳатингни аяма, уларнинг фалкатга дучор бўлишларига йўл қўйма!

Агар ҳаётим ҳамиша ҳаловатли бўлсин десанг дўстларинг, қариндошларинг, тенгдош биродарларинг олдида жашахлок ва хушчирой бўл. Хушчирой ярим давлатдир. Хушчирой одамнинг бахти ҳамиша ўзи билан йўлдош бўлади.

◆ Кимки мулойимлик уруғини сепса саломатлик мевасини теради. Манманлик уруғини сепган эса ҳалокат мевасини йиғади.

Абдулқодир Нурий ал-БАРЗАНЖИЙ.

◆ Ҳаётда ҳар кимса ўз ўрнини ва қадру қийматини билимоғи, шунга яраша одамлар орасида ҳам ўз ёшига яраша ишига мос феълу ҳаракат қилмоғи лозим. Чунки бировнинг феълу ҳаракати, кутаётган иши ўзига ярашиб турса ҳам, ўзга киши томонидан тақдорланса номақбул кўринади. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ҲИКОЯТ. Бир кишининг ўйноқи ити бўлиб, бу итнинг ўйинидан хожаси хушвақт бўлар эди. Хожанинг уйида бир эшаги ҳам бўлиб, итнинг ўйинини кўраркан ўзича: «Хожам негадир мени севмайди, агар мен ҳам итга ўхшаб ўйнасам хожамни хурсанд қилган бўламан» деди. У шу хаёл билан хожа олдида келиб сакрай бошлади. Хожа ўйноқи ит билан эшак орасида фарқ борлигини кўрсатиб қўйиш учун, эшакни калтак билан савалай кетди.

◆ Ҳар кимга давлат ва иқбол ёр бўлган пайтда ўз ёру биродарларига ёрдам қўлини чўзмаса, у ҳам куни келиб хорлик занжири билан боғланганда, дўстлари у тутган каби йўл тутадилар. Буни қуйидаги ҳикоятдан ҳам билиб олиш мумкин.


ҲИКОЯТ. Бир шер ёшлик ва пурқувватлик вақтида ҳеч бир жониворни менсимай, уларга доимо ғазабини сочиб, ситам қиларди. У қариган пайтда шундай заиф ҳолга тушдики, ўрмондаги жониворларнинг баъзиси беадаблик қилиб, баъзиси ўч олиш мақсадида шерга ҳужум қилишар, уни қийнашар, аммо шерда улардан ўзини қутқариш учун заррача мажол йўқ эди. Айниқса, ҳайвонлар орасидаги эшакнинг шатта отиши ҳар куни уни гамгин ҳолга соларди.

◆ Баъзи аҳмоқ ва олчоқ кишилар ўзларидан кучлироқ ёки муттаҳамроқ кишини кўрсалар, дамлари ичига тушиб, тезроқ қочиб қолишга ёки лаганбардорлик қилишга киришадилар. Аммо мулойим ва юмшоқ табиатли кишиларни кўрганда «пахлавонлиги» кўзиб, бекордан-бекорга уларни хафа қиладилар. Ва беҳуда ўшқирадилар.

Бир қарға қўйнинг тепасига кўниб олиб, овозининг борича қағиллай бошлади. Қўй унга: «Эй қарға, итга ҳеч қачон шундай муомала қилмаган бўлардинг!» деди. «Албатта-да, — кичқирди қарға, — мен жанжал кўтарадиган кишилар олдида доим хомуш тураман. Аммо сенга ўхшаганларга дуч келсам, ўзимни кўрсатиб қўяман!»

◆ Барча нарсага эгалик қилишни истовчи очкўз ва хасис кишилар ёмон феъллари туфайли қўлларида боридан ҳам ажралиб қоладилар. Борига сабр қилмаган бундай кишилар насибаси доимо ғам ва андуҳ бўлади.

Фулом Муҳаммад ВОСИФ.
Озарбайжон, араб тилларидан
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади. Қўноқ бичими А-2